Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 33 (484) 2021 йил 30 апрель, жума

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

## СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ХХР ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

29 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари бўлажак муҳим саналар муносабати билан бир-бирини самимий табриклаб, эзгу тилаклар билдирдилар. Жорий йилда ХХРда Хитой Коммунистик партияси ташкил топганининг 100 йиллиги, мамлакатимизда эса Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги кенг нишонламоқда. Етакчилар дўст халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Мулоқотда икки томонлама ва халқаро кун тартибининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон – Хитой дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилгани, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

ХХР Раиси Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва янгиланишларни юқори баҳолади ва уларни қўллаб-қувватлашини билдирди. Камбағалликка қарши курашиш бўйича Хитойда тўпланган катта тажрибани чуқур ўрганиш масаласида яқиндан ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемиясига қарши курашда кўрсатилган амалий ёрдам учун ХХР етакчисига самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон ва Хитойнинг ваколатли идора ва ташкилотлари соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаб, аҳолини оммавий эмлаш бўйича биргаликдаги самарали ишларни кенгайтирадилар.

Ўзбекистон Президенти “Ягона Хитой” сиёсатини ҳамда “уч ёвуз куч” – терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларни доимо қўллаб-қувватлашини яна бир бор таъкидлади.

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасидаги самарали мулоқот, шу жумладан, минтақада муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни, улар қаторида “ХХР – Қирғизистон – Ўзбекистон” автомобиль ва темир йўлларини қуриш лойиҳасини илгари суриш ишлари давом этаётгани қайд этилди. Ўзбекистоннинг Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш бўйича таклифи қўллаб-қувватланди.

Етакчилар савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Мураккаб шароитларга қарамасдан, пандемиянинг салбий оқибатларини камайтириш ва жорий йил бошидан ўзаро савдонинг 33 фоизга ўсишини таъминлашга эришилгани таъкидланди. Муҳим қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш давом этмоқда. Мамлакатларимиз яқин йилларда товар айирбошлаш ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш, шунингдек, экспорт ва импорт кўрсаткичларининг мутаносиблигини таъминлаш сари муваффақиятли ҳаракат қилмоқдалар. Ўзбекистон Шанхай шаҳрида ўтадиган навбатдаги Импорт маҳсулотлари Хитой халқаро кўргазмасида фаол иштирок этади.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Хитой етакчи корхоналарининг турли тармоқлардаги кооперациясини кучайтириш, шунингдек, иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларидаги лойиҳаларни илгари суришда ўзаро кўмаклашиш зарурлигини қайд этдилар. Кенг кўламли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик бўйича ўрта муддатли қўшма дастурни тайёрлаш ва қабул қилиш юзасидан келишувга эришилди.

Мамлакатимиз етакчи банк-молия институтларининг Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанки, Ипак йўли фонди билан ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар доирасидаги шериклигининг бугунги даражаси юксак баҳоланди.

Етакчилар Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро қўмитаси фаолиятини кучайтириш ва яқин фурсатда унинг навбатдаги мажлисини ўтказиш топшириғини бердилар.

Парламентлараро алоқаларни давом эттириш, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги фаол алмашинувларни қайта тиклаш, маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик дастурларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Суҳбат чоғида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар, шу жумладан, “Хитой – Марказий Осиё” форматидаги ҳамкорлик юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги кўп томонлама муносабатлар ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш, мамлакатимизда ушбу ташкилотнинг саммитини ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. ШҲТ Мулоқот гуруҳининг Афғонистондаги тинчлик жараёнига кўмаклашиш ва ушбу мамлакатни иқтисодий тиклашдаги муҳим ўрни қайд этилди.

Етакчилар бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини кўриб чиқдилар ҳамда режадаги ХХР Раисининг Ўзбекистон Республикасига ташрифига кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш, кўп асрлик мустаҳкам дўстлик ришталари ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим тарихий аҳамият касб этадиган воқеа сифатида пухта тайёргарлик кўриш муҳим эканини қайд этдилар.

Ўзбекистон Президенти ва ХХР Раисининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек, очиқ, дўстона ва ўзаро ишонч руҳида ўтди.

**ЎзА.**

# АЗАЛИЙ ҚАРДОШЛИК ВА ЕЛКАДОШЛИК ИФОДАСИ

29 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Туркманистонда бўлди.

Ашхобод халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари – ташқи ишлар вазири Рашид Мередов кутиб олди.

Ашхобод шаҳрида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркманистон етакчисига отаси Маликгули Бердимуҳамедовнинг вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқи ва шахсан ўз номидан яна бир бор чуқур ҳамдардлик билдирди.

Маликгули Бердимуҳамедов туркман халқининг содиқ фарзанди ва ҳақиқий ватанпарвар бўлгани, ўз юртининг равнақига улкан ҳисса қўшгани таъкидланди.

Туркманистон Президенти ҳамдардлик учун ташаккур изҳор этиб, биродар ўзбек халқи ва унинг етакчиси ушбу мусибатли дамларда далда бўлаётганини юксак баҳолаши ва қадрлашини алоҳида қайд этди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Туркманистон Президентлари икки томонлама ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон етакчиси Гурбангули Бердимуҳамедовни Туркманистон Миллий Кенгашининг Халқ Маслаҳати раиси этиб сайлангани билан табриклади, бу мамлакат тараққиёти йўлида амалга оширилаётган сиёсат Туркманистон халқи томонидан қатъий қўллаб-қувватланаётганининг ёрқин далили эканини таъкидлади.

2-бет

# БОКС СПОРТ ТУРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 апрелдаги “Боксни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимизда ёшларнинг боксга бўлган оммавий қизиқиши инобатга олиниб, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) тизимини янада такомиллаштириш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва уларнинг моддий рағбатлантирилишини яхшилаш, шунингдек, ўзбек боксининг дунёдаги етакчилигини сақлаб қолиш ва давом эттириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Унга кўра республиканинг бир қатор ҳудудларида Туризм ва спорт вазирлиги ҳузурида бокс бўйича олий спорт маҳорати мактаблари ташкил этилади.

Мазкур бокс мактабларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги “Спорт объектлари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси буюртмачи, “ТошуйжойЛИТИ” акциядорлик жамияти бош лойиҳачи этиб белгиланди. Бош пудратчи ташкилот эса белгиланган тартибда танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади.

## Шу куннинг гаплари

Хоразм вилоятининг Янгиариқ шаҳарчасида ёпиқ турдаги савдо маркази қурилмоқда. **240** та савдо дўконидан иборат мажмуани “Янгиариқ фаввора” МЧЖ жамоаси бунёд этяпти.

Самарқандда жорий йил давомида **88** та кичик саноат зонаси ҳамда Жомбой агрологистика маркази ташкил қилинади.

Наманганда Австрия компанияси **8,9 млн** евролик ижтимоий лойиҳани амалга оширади. Ушбу компания шу вақтгача **20** дан ортиқ давлатда **80** дан зиёд лойиҳани бажарган.

Андижоннинг Бўстон туманида “Сабр” ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази ҳамкорлигида Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган **Маҳаллий ривожланиш маркази** очилди.

Пойтахт вилоятининг Оҳангарон туманида замонавий андозалар асосида қуриб битказилган **мактабгача таълим ташкилоти** фойдаланишга топширилди. У фаолият бошлагач, **35** та иш ўринлари яратилди.

# Кенг қамровли ишлар амалга оширилади

**2021 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларини қуриш учун 31,5 триллион сўм маблағ ажратилмоқда. Дастурлар доирасида нафақат йўллар ёки маҳалланинг қиёфаси яхшиланиши, балки у жойлардаги аҳолининг даромади кўпайиши, ижтимоий соҳа объектлари тўлиқ ишлаши, танланган маҳалла ҳар томонлама обод бўлиши керак.**

Бугунги кунда республикада энг оғир аҳволга тушиб қолган 796 та қишлоқ ва 188 та шаҳар маҳаллалари мавжуд.

Дастур доирасида шу кунгача 206 та туман ҳамда шаҳар ҳокимлари йўл, электр, коммунал хизмат ва тадбиркорликка масъул раҳбарлар билан ҳамкорликда, маҳаллаларда яшовчилар билан маслаҳатлашиб, 8 мингта маҳаллада бажарилиши лозим бўлган аниқ ишлар белгилаб олинди.

Бунда ободончилик билан бир қаторда, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” “Аёллар дафтари”га киритилганларни назарда тутиб, янги ишлаб чиқариш объектлари, иш ўринлари яратиш, аҳолини ижтимоий хизматлар билан қамраб олиш орқали, уларни ушбу рўйхатлардан чиқариш масалалари ҳам кўзда тутилган.

Барча туман ва шаҳар кенгашларида мазкур дастурлар бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар ҳимоя қилиниб, қайси маҳалла ва қишлоқ танлангани, бандликни таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва бунда аҳоли иштирокига оид масалалар белгилаб олинди.

# Пойтахтнинг обод гўшаси




**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида 282 200 нафар аҳоли истиқомат қилади ва у тўрт секторга бўлинган 54 та маҳалладан иборат.**

Тақсимланган бюджет маблағлари ҳисобидан секторлар кесимидаги маҳаллалар “Обод маҳалла” ва “Обод кўча” лойиҳалари доирасида болалар майдончалари, айвон-кўшклар, ўриндиқлар, катта кўчаларда пиёда ҳамда велойўлаклар, шунингдек, ички асфальт кўчаларга эга бўлмоқда. Куни кеча бу жойда тумандаги жорий қурилиш-таъмирлаш ишларига бағишланган пресс-тур ташкил этилди.

Мамлакатимизда ободонлаштириш ишларига эътибор энг кичик бошқарув бўғинларига қаратилаётгани халқимизни мамнун этмоқда. Жумладан, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида республиканинг энг чекка ҳудудларига ҳам янгиланишлар кириб боряпти. Тошкент шаҳри таркибидаги туманлар ҳам бу борада кўплаб янгиланишлар билан қамраб олиняпти. Мирзо Улуғбек тумани ҳам шундай обод туманлардан биридир.

Пресс-тур доирасида илк сафаримиз Шукур Бурхонов маҳалласида бўлди. Мазкур жойда яшаш шакли ўзбекона қадриятлардан бирига айланиб улгурган ва бу ташриф жараёнида яққол кўзга ташланди. Пунктдаги кўп қаватли уйларнинг асфальт ва бетон қопламалари ётқизилган оралиқ кўчалари, спорт майдончалари ва аҳоли дам олиш кўшклари тикланган серфайз кўриниши пресс-тур иштирокчиларини бефарқ қолдирмади.

3-бет

## Қонунчиликни билинг

# Шаҳарсозлик кодексининг 15-моддаси нима ҳақида?



**15-модда.** Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар

**Қуйидагилар шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар бўлиши мумкин:**

- давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар;
- давлат-хусусий шериклик асосида фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар.
- Буюртмачилар:
- шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчини танлаш ҳамда у билан бу ҳужжатларни ишлаб чиқишга доир шартномани тузиш;
- объектларни қуриш бўйича пудратчини танлаш ва у билан пудрат шартномасини тузиш ҳуқуқига эга.

**Буюртмачилар:**

- шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этиши;
- шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқларни тайёрлаши ва тасдиқлаши;
- шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларга лойиҳалаштиришга доир бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатларни, шу жумладан, архитектура-режалаш топшириғини, топографик материалларни, муҳандислик-геологик қидирувларнинг ва таянч қурилиш конструкцияларининг техник ҳолатини текширувдан ўтказиш материалларини, нуқсонларга оид далолатномаларни тақдим этиши;
- шаҳарсозлик ҳужжатларининг экспертизадан ўтказилишини таъминлаши;
- лойиҳалаштириш жараёни устидан текширувни ва қурилиш сифати устидан техник назоратни амалга ошириши, қурилиш жараёнида камчиликлар ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўриши;
- шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчи билан тузилган шартнома асосида шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш бўйича муаллифлик назорати амалга оширилишини таъминлаши;
- ҳудудий инспекциялар томонидан қурилиши тугалланган объектни эксплуатация қилиш учун рухсатнома берилганидан кейин фойдаланишнинг кафолат муддати давомида аниқланган камчиликлар бартараф этилишини ташкил қилиши шарт.

Буюртмачиларга, бундан асосий фаолият тури сифатида қурилиш-монтаж ишларини олиб борувчи ташкилотлар мустасно, пудратчи билан қурилиш пудрати шартномасини тузмасдан мустақил равишда (хўжалик усулида) баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ, икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда) бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш тақиқланади.

Буюртмачилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№33 (484) 2021 йил 30 апрель

# АЗАЛИЙ ҚАРДОШЛИК ВА ЕЛКАДОШЛИК ИФОДАСИ

1-бет

Пандемия билан боғлиқ мураккаб даврда Ўзбекистон – Туркманистон муносабатлари ижобий суръат билан ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми уч баробардан зиёдга кўпайди ва ўтган йил якунларига кўра 530 миллион долларга етди, 150 дан ортиқ қўшма корхона ташкил этилди.

Шу билан бир қаторда савдо, инвестициялар, саноат кооперацияси бўйича, энг аввало транспорт, энергетика, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида мавжуд салоҳиятни янада тўлиқ ишга солиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Халқаро транспорт ва транзит йўлагини яратиш тўғрисидаги Ашхобод битимини бундан буён ҳам биргаликда илгари суриш, шунингдек, Хитой – Марказий Осиё – Жанубий Кавказ – Туркия мультимодал маршрутининг самарали ишлатилишини таъминлаш ва транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни давом эттиришга томонлар тайёр экани таъкидланди.

Музокараларда халқларимиз яқинлигининг энг муҳим омили сифатида маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш долзарб экани яна бир бор қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Туркманистон раҳбарига унинг халқларимиз ўртасидаги биродарлик муносабатларининг навбатдаги ёрқин рамзи сифатида Ашхобод шаҳрида “Тошкент” боғини ташкил этиш ташаббуси учун алоҳида миннатдорлик билдирди.

Ҳамкорликни кенгайтириш ва янги ўсиш нуқталарини излаш мақсадида яқин вақтда Тошкент шаҳрида Савдо-иқтисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркманистон ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги йиғилишини ўтказишга қарор қилинди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Туркманистон етакчилари икки мамлакат халқларининг кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойиллари асосидаги стратегик шериклик муносабатларини изчил мустаҳкамлашда қатъий эканликларини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов “Туркманбоши руҳи” мажмуасига ташриф буюрди.

Туркманистоннинг биринчи Президенти Сапармурат Ниёзов мақбараси зиёрат этилди.

Ўтганлар ҳақига Қуръон суралари тиловат қилинди.

Мажмуа яқинида Туркманистон Президентининг отаси Маликгули Бердимуҳамедов хотирасига бағишлаб ифтор дастурхони ёзилди. Тадбирда икки мамлакат муфтийлари, уламолар, ёшуллилар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида Маликгули отанинг вафоти муносабати билан халқимиз номидан чуқур таъзия билдирди. Марҳумнинг ибратли ҳаёти, самарали фаолияти, савобли ишлари ёдга олинди.

– Ўзбек ва туркман халқлари қадимдан бир-бирига елкадош бўлиб, дўст ва биродар бўлиб яшаб келмоқда. Буюк мутафаккир Махтумқулининг: Фироғийнинг икки кўзи бор, Бири туркман бўлса, бири ўзбегим, деган ўлмас сатрлари ҳам буни тасдиқлайди. Бугунги хотира маросими ҳам ана шу азалий қардошлик ва биродарлигимизнинг яна бир амалий намоёнидир, – деди Шавкат Мирзиёев.

Рўзадорлар Аллоҳ таолодан дунёга тинчлик, саломатлик, халқларимизнинг дўстлиги ва қардошлиги мустаҳкам бўлишини тилаб дуолар қилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг амалий ташрифи якунланди. Давлатимиз раҳбарини Ашхобод халқаро аэропортида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов кузатиб қўйди.

**ЎзА.**

# Мулк қадрига етган мулкдор бўлади

**Саъдулла ИСЛОМОВ,**
Янгийўл тумани ФВБ бошлиғи, майор.

**Кейинги йиллардаги қурилиш ва бунёдкорликлар юртимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Эскириб, ўз муддатини ўтаб бўлган турар жойлар, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим ташкилоти-ю, маданий-маърифий масканлар ўрнига ҳар жиҳатдан талаб даражасидаги замонавий бинолар қад ростлади ва бу жараён шиддат билан давом этмоқда.**

Пойтахт вилоятининг Янгийўл туманида ҳам ислоҳотлар талаби доирасида аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш юзасидан амалга оширилган ишлар туман тарихида ҳеч қачон бўлмаган, ижтимоий масалаларга эса бу даражада эътибор қаратилмаганди. Айниқса фуқароларнинг уй-жойга бўлган талабларига эътибор қаратилса, улар яққол кўзга ташланади.

Жумладан, қисқа муддатда ўнлаб кўп қаватли уйлар қурилиб, биринчи навбатда эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилалар қўллаб-қувватланди. Яшовчилар ўзларига кўрсатилаётган бундай эътибор учун ҳукуматимиздан миннатдор бўлишмоқда. Албатта, булар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, кўплаб иқтисодий етишмовчиликларга қарамасдан давлатимиз инсон омилини биринчи даражага олиб чиқиш учун барча чораларни қўллаяпти. Буларнинг қадрига етиш эса барчамизнинг бурчимиздир. Афсуски...

Янги қурилган кўп қаватли уйнинг хонадонларидан бирида яшовчи оила бошлиқлари фарзандининг туғилган кунини нишонлагач, ярим тунда пастга тушиб олов ёқишади ва базмни шу жойда давом эттирмоқчи бўлишади. Замонавий уйлар ҳар томонлама мослаштирилгани сабабли бу ҳодиса зудлик билан туман фавқулодда вазиятлар бўлимига сигнал берди. Соҳа ходимлари воқеа жойига етиб келишганида тилсиз ёв гарчи, хонадонларга зарар етказмаган бўлса-да, уйлар атрофидаги болалар спорт майдончаси ҳамда наботот оламига таъсир қилганди. Ёнғинни келтириб чиқарган шахсга нисбатан тегишли чора қўлланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, кўп қаватли турар жойларда яшаётганлар томонидан содир қилинаётган бундай ноқонуний иш биринчиси эмасди. Шу боисдан бу сингари ҳодисалар қайта такрорланмаслиги ва атроф-муҳитга бефарқ бўлмаслик, шунингдек, фарзандларимизни олов билан ўйнашишнинг оқибатидан огоҳлантириш мақсадида туман ФВБ, ХТБнинг жисмоний тарбия ва спорт бўлими ҳамда ҳокимлик вакиллари ҳамкорлигида учинчи секторга қарашли 10 та мактаб ўқувчилари ўртасида “Ёш қутқарувчи” тадбири ташкил қилинди.

Унда тилсиз ёв билан боғлиқ турли ҳодисалар ходимлар томонидан кўрсатилиб, ўқувчиларнинг бевосита иштироки таъминланди. Фаол қатнашган мактаб ва кўргазмали машғулотларни тўғри бажарган ўқувчилар ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Муҳими, тадбирда кўп қаватли уйларда яшовчилар ҳам фаол иштирок этишди.

# Мақсад – камчиликларни бартараф этиш

**Жаҳонгир ЯНГИБОЕВ,**
“Ўзйўлинспекция”нинг Самарқанд вилояти бўлинмаси етакчи мутахассиси

**“Ўзйўлинспекция”нинг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлинмаси давлат инспекторлари томонидан вилоятдан ўтувчи умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳар ва туманлардаги кўчалар, ички йўлларни қуриш, реконструкция қилиш ишлари доимий назоратга олинган.**

Корхоналарнинг йўлни сақлашлари мунтазам ўтказиляпти. Пудратчилар бажараётган юмушлар, уларнинг лойиҳа-сметалари, техник жиҳатдан тартибга солувчи ҳужжатлари Шаҳарсозлик кодекси ва норматив талабларга мослигини аниқлаш, нуқсонларни вақтида тузатиш борасидаги бу фаолиятлар ижобий самара бермоқда.

2021 йилнинг ўтган даврида 93 та объектда сифат-назорат ишлари олиб борилиб, 96 та қоида бузилиш бўйича далолатномалар расмийлаштирилди ва масъул шахсларга камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

7 та реконструкция қилиш объектида 12 марта назорат ишлари олиб борилиб, қоидабузилиш бўйича далолатномалар расмийлаштирилган. Реконструкция қилиш ишларида шаҳарсозлик нормалари ва лойиҳа-смета ҳужжатлари талабларини қўпол равишда бузган мансабдор шахсга нисбатан 3 та ҳолатда маъмурий баённома расмийлаштирилиб, судларга юборилди. Шунингдек, мукаммал таъмирлаш объектларида 8 марта, жорий таъмирлаш объектларида 12 марта назорат иши олиб борилди. Жорий таъмирлашда пудратчилар томонидан сифатсиз бажарилган 17 900 миллион сўмлик иш ҳажмларини тўловдан чиқариб ташлаш бўйича буюртмачиларга талабнома киритилиб, ижроси таъминланди.

Йўллардан фойдаланувчи корхоналар томонидан автомобиль йўлларида сақлаш ишларининг олиб борилиши юзасидан 44 та объектда назорат ўрнатилиши натижасида қатор қоидабузилиш ҳолатлари аниқланганини таъкидлаш ўринлидир. Йўл-қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи завод ва цехларда тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати давлат стандартларига мослиги ҳамда сертификатланганлиги ҳам эътибордан четда қолган эмас. ГОСТ андозаси бўйича талаб қилинган ҳужжатларни юритмаган ва риоя этмаган цехларда маҳсулот ишлаб чиқариш вақтинча тўхтатилганлиги уларга сабоқ бўлди.

# Қўшма таълим дастурининг улкан режалари



**Зилола МУЗАФФАРОВА,**
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси

**Тошкент архитектура-қурилиш институтига Белорус миллий техника университети ректори Сергей Васильевич Харитончик бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорликдаги Қўшма таълим дастури доирасида 2021-2022 ўқув йилидан ўқишини хорижда давом эттирадиган талабалар ҳамда уларнинг ота-оналари билан учрашув ташкил этилди.**

Унда таълим муассасаси вакиллари ўртасида келажакдаги режалар муҳокама қилинди. БМТУ ректори ва Халқаро ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи П. Ширвел ўзаро алоқаларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун ТАҚИнинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

– Белорус миллий техника университети билан 2018-2020 ўқув йилида Қўшма таълим дастурларини амалга ошириш бўйича шартнома имзолаганмиз, – деди ТАҚИ халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи Анзират Негмаджанова. – Ҳозирги кунда мазкур шартнома доирасида институтимизда 120 дан ортиқ талаба 6 йўналиш бўйича таҳсил олмоқда. Хусусан, сув таъминоти ва оқова сувлар, кўчмас мулк ҳамда кўчмас мулкни баҳолаш экспертизаси, иссиқлик, газ таъминоти, архитектура йўналишларида. Янги ўқув йилини 2-босқичдаги 60 нафар талаба Белорус университетида давом эттириши режалаштирилган.

Талабалар ва ота-оналарнинг хориждаги шароит ҳақида қизиқиши табиий ҳол. Университет ректори уларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб берди.

– Университетимизда талабаларнинг яшаши ва ўқиши учун барча шароит яратилган, – дейди С. Харитончик. – Хусусан, муассасамизда махсус технопарк ташкил этилган бўлиб, унда талабалар турли инновацияларни амалга ошириши мумкин. Бундан ташқари, ёшларнинг саломатлигини сақлаш учун санаторий-профилактика ҳам мавжуд. Хорижлик талабаларга қулайлик яратиш мақсадида янги ётоқхона биноси ҳам қурилди.

Ушбу ташрифдан олдинроқ Белорус университетининг юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва ТАҚИ илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимлари томонидан ўзаро ҳамкорликда онлайн конференция ташкил қилинган эди.

# Ҳудудларда ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ янада яхшиланмоқда



**Дилфуза ҲАБИБОВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Президентимизнинг 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори йиллар, ўнйилликлар давомида йиғилиб қолган долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг аниқ манзилли режалари, манбаларини ўзида акс эттиргани билан аҳамиятли бўлиб, ўз ечимини кутаётган масалалар қайсидир бир ҳудуд, туман ёки қишлоқ, қўйингки бирор маҳалла кесимида эмас, балки бутун мамлакатимизни қамраб олган тизимли асосга эгалиги, ушбу дастурлар ижроси доирасида амалга ошириладиган ишлар қишлоқларимиз, чекка-чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган миллионлаб ватандошларимиз тақдирига дахлдордир.**

Шу маънода, Давлат дастурлари доирасида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга жорий этилиши нафақат қишлоқ ва маҳаллаларимиз қиёфасини ўзгартиради, балки ушбу ҳудудларда истиқомат қилаётган юртдошларимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини, ишончини мустаҳкамлайди. Бу борада электр энергетикаси тизими ходимлари олдида ҳам катта масъулият турганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

“Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти томонидан бугунги кунда аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларни барқарор электр энергияси билан таъминлаш мақсадида қатор тизимли ишлар олиб борилмоқда.



*Давлатимиз раҳбари томонидан 2021-2030 йиллар давомида 130 минг км паст кучланишли электр тармоқлари ҳамда 40 мингдан ортиқ трансформатор пунктини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар доирасида жорий йилда ҳудудларда 15 минг км узунликдаги паст ва ўрта кучланишли электр узатиш тармоқлари ҳамда 4 мингта трансформатор пунктини янгилаш ва модернизация қилиш ишлари “Маҳаллабай” тизими асосида олиб борилади, – Бунинг натижасида республикамиздаги 5 377 та маҳаллаларда истиқомат қилувчи 2 миллиондан ортиқ аҳоли ва 13 мингга яқин улгуржи истеъмолчининг электр таъминоти яхшиланишига эришилиши кутилмоқда”*

**Маҳмуджон КАРИМОВ,
“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи.**

Бу каби ишлардан кўзланган асосий мақсад эса ҳар бир белгилаб олинган ҳудуднинг электр энергияси таъминотига оид муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш чораларини кўриш, маҳаллий аҳолини бу борада ўйлантираётган масалаларга ечим топиш учун барча мавжуд имкониятларни ишга солишдир.

Бу борада электр тармоқларида модернизация ишлари янги тизим асосида амалга оширилиши механизмлари ишлаб чиқилган.

**Биринчидан,** “Обод қишлоқ” дастури бўйича 1 696 км электр узатиш тармоқлари ва 463 та трансформатор пунктлари ҳамда “Обод маҳалла” дастури бўйича 270 км электр узатиш тармоғи ва 92 та трансформатор пунктларини янгилаш ва таъмирлаш;

**иккинчидан,** республиканинг “оғир” ва “ўта оғир” ҳудудларида 2 654 км электр узатиш тармоқлари ҳамда 701 та трансформатор пунктларини яхшилаш;

**учинчидан,** ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 10 379 км электр узатиш тармоқлари ҳамда 2 799 та трансформатор пунктларида реконструкция ва янгилаш ишлари белгилаб олинди.

Ушбу ишлар учун ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш ва “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ таркибий корхоналарини молиявий соғломлаштириш мақсадида ҳар бир корхона учун махсус лицензиялар олиниб, лойиҳа гуруҳлари ҳамда қурилиш бригадалари ташкил этилди.

Бундан ташқари, юқоридаги модернизация ва реконструкция ишларини янада жадаллаштириш мақсадида бугунги кунда 10 та темир-бетон таянчлари ҳамда 13 та траверс маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари фаолияти йўлга қўйилгани бу борадаги ишларга ажратилган маблағлар жорий йилда иқтисод қилиниши ҳамда ҳудудларда мавжуд ёғоч устунлар темир-бетон таянчларга алмаштирилишига эришиш режалаштирилмоқда.

Умуман олганда, юқоридаги белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун 605 та махсус техника, 14 та лойиҳа гуруҳлари ва 171 та махсус қурилиш-монтаж бригадаси жалб қилинган.

– Жорий йилнинг ўтган даврида бажарилган ишларга тўхталадиган бўлсак, республика ҳудудларида паст кучланишли 1 203 км электр узатиш тармоқлари ҳамда 778 дона трансформатор пунктлари янгиланди ва реконструкция қилинди, – сўзида давом этади М. Каримов. – Шундан, “Обод қишлоқ” дастури бўйича 305,7 км электр узатиш тармоқлари ва 190 та трансформатор пункти ҳамда “Обод маҳалла” дастури бўйича 35,2 км электр узатиш тармоқлари ва 26 та трансформатор пункти янгиланди. Бундан ташқари 2021/2022 йиллар куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида бугунги кунга қадар 5200 км электр узатиш тармоқлари ва 1800 дан ортиқ трансформатор пункти мукаммал таъмирланди.

Шу ўринда, иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши ва аҳоли турмуш шароити жадал ўсиб бориши қўшимча қувватлар яратишни тақозо этаётганини қайд этиб ўтиш керак. Истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш ва қўшимча қувватлар яратиш мақсадида 35-110 кВ кучланишли мавжуд подстанцияларда 20 дан ортиқ куч трансформатори катта қувватлисига алмаштирилди ва бунинг натижасида 450 МВт қувват яратилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Давлат дастурлари доирасида ҳудудларда электр энергия таъминоти барқарорлигини таъминлаш юзасидан амалга ошириладиган бу каби кенг кўламли ишлар юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№33 (484) 2021 йил 30 апрель



# Пойтахтнинг обод гўшаси

1-бет

Айтиш жоизки, мана шу маҳалла тумандаги “Обод маҳалла” ва “Обод кўча” лойиҳалари доирасида тўла шакллантирилган дастлабки аҳоли пункти ҳисобланади.



Маълумотларга кўра, тумандаги 43 та маҳаллада кичик кутубхона, 86 та аҳоли дам олиш кўшк-айвончалари, 85 та болалар ўйин майдончалари қуриш, кўп қаватли уйлар олдига 170 та ўриндиқлар ўрнатиш, спорт майдончалари, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш белгилаб олинган. Бугунга қадар, Азамат, Алишер Навоий ва Шукур Бурхонов маҳаллаларидаги кўп қаватли уйлар оралиғидаги ички кўчаларга 25 026 квадрат метр асфальт ётқизилди. Азамат, Чимён, Алишер Навоий, Мирзакалон Исмоилий, Феруза, Юзрабод, Шукур Бурхонов ва Асака маҳаллаларидаги кўп қаватли уйлар олди ва пиёдалар йўлакларига 19 733 метр кўча бордюрлари ўрнатилди.

– Сўнгги йилларда Президентимизнинг вилоятларга сафарлари чоғида маҳаллаларга кириб бориши, мутасаддиларнинг ҳам энг кичик кесимга бўлган эътиборини оширди, – дейди биринчи сектор раҳбари Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Шавкат Иргашев. – Туманимизда ҳам бу борада бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, шу кунгача тўртта маҳалланинг ташқи қиёфаси ўзгартирилди. Албатта, қолган секторларда ҳам ишлар қизғин боряпти. Қилинаётган ишларнинг барчаси биринчи навбатда аҳоли учун қулай шароит яратиш, обод масканлар сонини ошириш мақсадидадир. Зеро, юртнинг ободлиги ҳам айни шу маҳаллалардан бошланади.

Туманнинг Азамат, Юзработ, Мустақиллик, Феруза каби маҳаллаларида ҳам белгиланган лойиҳалар доирасида кенг кўламли таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Ҳудуддаги ободонлаштириш ишлари мустақилликнинг 30 йиллик шодиёналари арафасида якунланиши кўзда тутилган. Бу эса маҳаллалар аҳолиси учун байрамга муносиб совға бўлади.

# Маҳаллаларда ижтимоий объектлар

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтимиздаги Олмазор туманида жорий йилнинг биринчи ярмида 12 та маҳалланинг қиёфаси тубдан янгиланди. Бу ерда болалар майдончалари, керакли инвентарлар билан таъминланган спорт мажмуалари, жамоатчилик штаблари барпо этилиб, аҳоли ихтиёрига фойдаланишга топширилмоқда.**

Туман ҳокимлиги томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ташкил этилган пресс-турда бу ерда амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари таништирилди.

Туман ҳудудини янада обод қилиш, аҳолига фаровон турмуш шароитларини яратиш мақсадида кўплаб ижтимоий соҳа объектлари барпо этилиб, янги ва замонавий турар жой бинолари қад кўтармоқда. Пресс-тур аввалида ўтказилган матбуот анжуманида туманнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган ишларга оид тақдимотлар ўтказилди.

– Инвестицияларни жалб қилиш, бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш, бунинг эвазига янги ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш муҳим вазифалардан бири, – деди Олмазор тумани ҳокимининг капитал қурилиш ва коммуникацияларни ривожлантириш бўйича ўринбосари Жўрабек Имомов. – 2021-2023 йилларда тумандаги мавжуд 58 та маҳалладан 39 тасида умумий қиймати 621,1 миллион доллар миқдорида инвестиция жалб этилган ҳолда 119 та лойиҳа амалга оширилиб, ушбу лойиҳаларнинг ишга туширилиши эвазига 6 625 та янги иш ўринлари яратилади. Туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида умумий қиймати 93,3 миллион долларлик йирик инвестиция дастурининг амалга оширилиши натижасида яқин кунларда 10 та замонавий меҳмонхоналар қурилиши бўйича ишлар бошланади. Муҳими, унинг натижасида 883 та янги иш ўрни яратилади.

Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, бугунги кунда Олмазор туманида 58 та маҳалла мавжуд бўлиб, жорий йилда 25 та маҳаллада кенг кўламли бунёдкорлик ишлари бажарилиши режалаштирилган. Жумладан, Шодиёна, Табассум, Чаманбоғ, Мискин, Умид, Олимпия, Хончорбоғ, Ҳислат, Ислом ота каби маҳаллаларнинг ҳар бирига 1 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилиб, футбол майдончалари, спорт ўйингоҳлари, айвончалар, кутубхона, жамоатчилик марказлари ва савдо шохобчалари барпо этилади.

– 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича кўп хонадонли ва якка тартибдаги уй жойларни таъмирлаш ва уларга туташган ҳудудларни ободонлаштириш, пиёдалар йўлаклари, велосипедлар учун йўллар, ирригация ва суғориш тизимлари ҳамда чиқинди йиғиш майдонларини барпо этиш ишлари кенг кўламда амалга оширилмоқда, – деди Олмазор тумани қурилиш бўлими бошлиғи Ғулом Азимов. – Ички автомобиль йўллари ва транспорт коммуникация тизимини таъмирлаш, ичимлик суви ва оқова сув таъминотини яхшилаш, электр энергияси, газ таъминоти ҳамда кўчаларни ёритиш тизимини тиклаб, иссиқлик тармоқларини модернизация қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Пресс-тур иштирокчилари тумандаги 91-сонли “Наврўз” мактабгача таълим ташкилотига ташриф буюрдилар. Ушбу муассаса Олимпия маҳалласи ҳудудида жойлашган бўлиб, у 1976 йилда қурилгани боис маънан эскирган эди. Эндиликда бино мукаммал таъмирланиб, унинг ҳудуди ободонлаштирилди. Эски боғча ўрнини кўркам, замонавий ва барча қулайликлар, шарт-шароитларга эга бўлган объект эгаллади.

Чилтўғон маҳалласида ҳам бу борадаги ишларга гувоҳ бўлинди.

– 5 385 нафар аҳоли кўп қаватли уйлар ва хонадонларда истиқомат қилишади, – деди маҳалла оқсоқоли Саноат Абдувалиева. – Бу ерда яқинда “Обод маҳалла” дастурига кўра болалар майдончаси қурилиб, ўриндиқлар ўрнатилди. Ички кўчалар асфальтланиб, ҳудуд ободонлаштирилди. Аввалари болалар учун спорт ва футбол майдончалари йўқ эди. Энди янгилари қурилиб, 3 та ўйингоҳ ва автотураргоҳ ташкил этилди. 5,5 минг квадрат метр йўл таъмирланиб, видеокузатув камералари ўрнатилди. Эътиборлиси, ушбу эзгу ишларда маҳалладошларимизнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этишди.

Пресс-тур қатнашчилари туманнинг келгусидаги режалари ва ободонлаштириш ишларининг бориши билан яқиндан танишиш баробарида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

# Дастур доирасида қишлоқлар чирой очяпти

**Фозилжон ҚОСИМОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**“Обод қишлоқ” дастури доирасида амалга оширилаётган ишларни Жиззах вилоятининг Ғаллаорол ва Шароф Рашидов туманлари мисолида ҳам кузатиш мумкин. Айниқса, Президентимиз раислигида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалардан сўнг вилоятнинг олис қишлоқ ва маҳаллаларидаги аҳолининг турмуш шароитлари яхшиланиши баробарида, камбағалликдан чиқаришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаяпти.**

Хусусан, Ғаллаорол туманидаги “Кўкгумбаз” МФЙ Қоронғул қишлоғи ҳамда “Қашқабулоқ” ҚФЙдаги бажарилиши лозим бўлган аниқ ишлар белгилаб олинди. Шу тариқа Ғаллаоролда дастур доирасида бошланган бунёдкорлик ишлари одамларни ягона мақсад сари бирлаштирди. Кенгашли иш тарқамас, деганларидек, дастур доирасидаги ишлар олдидан ҳар бир иштирокчи ўз вазифаси, бажарадиган юмушларини белгилаб олди. Бунда ободончилик билан бир қаторда, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳам кўзда тутилган. Тадбир доирасида Ғаллаорол туманидаги “Ёшлар дафтари”га киритилганларнинг бир гуруҳига туман автомобиль йўлларидан фойдаланиш корхонасига ишга кирганлик тўғрисидаги сертификат топширилди.

Туманнинг “Кўкгумбаз” ҚФЙдаги Қоронғул қишлоғида бугунги кунда 247 хонадон, 275 оила ва 1,5 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди. 8 та кўчанинг деярли ярми тупроқ йўллардан иборат эди. Барчага бирдек ташвиш келтираётган бу кўчаларга энди тош-шағал ётқизилиб, ишлар икки йўналишда олиб бориляпти.

Айтиш жоизки, дастурга асосан, тумандаги қишлоқ ва маҳаллаларда 42 та трансформатор ўрнатилади, 143 километрли тармоқлар янгиланади, газ тақсимлаш пункти тафтиш қилиниб, 300 погонометр ўрта босимли газ тармоқлар бўялади, икки километрли тармоққа таянч қутилари ўрнатилади.

Ғаллаоролдан ўтиб Шароф Рашидов туманидаги “Шариллоқ” маҳалласида олиб борилаётган ишлар билан танишамиз. Бу ерда ҳам яратувчанлик ишлари бошланиб, юзлаб техника ва ишчи кучи сафарбар этилган. Яширишга ҳожат йўқ. Турли миллат вакилларидан иборат маҳалла аҳолиси узоқ вақт ичимлик суви таъминоти, электр энергия, газ етишмовчилиги каби муаммолар гирдобида яшаган.

“Обод қишлоқ”нинг яратувчанлик тўлқини бу маҳаллага ҳам етиб келди, энди фуқароларни шу вақтгача қийнаган муаммолар бирин-кетин ечим топяпти. Айни вақтда қишлоқдаги тартибсиз қурилган биноларни бузиш, чиқиндиларни олиб чиқиш, лой кўчаларни тош-шағаллар билан текислаш ишларига юзлаб махсус техника ва мосламалар, мутахассислар сафарбар этилган.

# Кўркам масканлар кўпаймоқда

**Меҳрибон ИСМОИЛОВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Хоразм вилоятининг чекка чегара ҳудудида жойлашган Оқдарбанд қишлоғининг ўзига хослиги шундаки, у қўшни Туркманистон Республикаси билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Қишлоқни Қўшкўпир тумани маркази билан боғлаб турувчи масофа 40 километрни ташкил қилади.**

Қишлоқда Ошоқ қалъа ва Иттифоқ маҳаллалари жойлашган. Аҳолиси 9 минг 500 нафар киши бўлиб, шундан 63,6 фоизи ўзбеклар, 33,9 фоизи эроний қавм вакилларидан иборат. Кейинги йилларда бу қишлоқ аҳлининг елкасига ҳам “офтоб тегиб”, эндиликда амалга оширилаётган янгиланишлар боис унинг қиёфаси кўркамлашмоқда.

– “Обод қишлоқ” дастури доирасида аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилаш мақсадида ишчи гуруҳи туздик, – дейди Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутати Сайёра Худойберганова. – Гуруҳ аъзолари ишни “маҳаллабай” тарзда ташкил қилиб, халқни қийнаётган муаммоларни ўрганди.

Қишлоқда тоза ичимлик суви йўқ экан. Аслида ҳамма жойга сув қувурлари ўтказилган, бироқ сув тортиб чиқарадиган насос ишламай ётгани учун юқоридаги муаммо пайдо бўлган эди. Йўлларнинг таъмирталаблиги, газ, сув, электр энергияси таъминоти билан боғлиқ салбий ҳолатлар, аҳоли томорқа майдонларининг аксарияти қаровсиз аҳволдалиги, ноқонуний қурилмаларнинг кўпайгани, қишлоқ инфратузилмасининг ривожланмай қолгани бири-бирига боғлиқ муаммолар туғилишига сабаб бўлган. Кўпгина муаммолар жойида ҳал қилинди. Сув насоси ҳашар йўли билан таъмирланди. Бугунги кунда қишлоқдаги барча хонадон тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлишмоқда.

Ўз қишлоғи обод бўлаётганидан ёшларнинг ҳам қувончи чексиз. Энг муҳими, эндиликда қишлоқни туман билан боғлайдиган йўлга асфальт ётқизилиб, мунтазам равишда автобус қатнови йўлга қўйилди. Айни пайтда қишлоқда олиб борилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари билан бир вақтнинг ўзида маҳалла фаоллари томонидан аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш мақсадида тарғибот ишлари давом этяпти.

Ернинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиш, юртимизни боғу роғларга айлантириш мақсадида экин-тикин ишларига ҳам катта эътибор қаратиляпти. Қишлоқда истиқомат қилаётган 1 601 та хонадонга 343 гектар томорқа ери ажратиб берилган. Мақсад ушбу томорқа ерларидан унумли фойдаланиб, бир қарич ерни ҳам бўш қўймасликдан иборат.

– Ёшим 80 га яқинлашиб қолди. Шу пайтгача биз қай аҳволда яшаб келганимизни энди яширишнинг ҳожати йўқ. Шундай дориломон кунларни ўз кўзим билан кўриб, фарзандларим, невараларим қатори ҳақиқий ҳаёт гаштини суриш бахтига муяссар бўлганимга шукроналар айтаман, – дейди Йўлдош ота Худойберганов.

Дарҳақиқат, ободлик аслида кўнгилдан бошланади. Буни халқ манфаатини ўзида тўла намоён қилган “Обод қишлоқ” дастурининг амалдаги ижроси, уни дилдан қўллаб- қувватлаётган қишлоқ аҳлининг руҳиятидан, эртанги кунга ишончи баланд эканидан англаш қийин эмас.



# Сўхликлар шароити яхшиланмоқда

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Атрофи пурвиқор тоғлар билан ўралган сўхликлар учун бу йил унутилмас бўлиб қолса керак. Сабаби, айни кунларда аср иншооти – фуқароларни ташишга мўлжалланган самолёт ва вертолётлар учун учиш-қўниш майдончаси – аэродром қурилиши жадаллик билан давом этмоқда. Асосий майдони 7 гектардан ортиқ ҳудудни эгаллаган ушбу иншоотга давлат бюджетидан салкам 7 миллиард сўм маблағ ажратилган.**



**Суратларда:** Сўхда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларидан лавҳалар.

– Бағдод туманидаги Тонготар қишлоғиданман, – деди 70 ёшни қаршилаётган автогрейдерчи Зокиржон Мамажонов. – Республикамизнинг кўплаб ҳудудларида йўл қурилиши билан боғлиқ ишларда қатнашганман. 1991 йили ҳамкасблар ўртасида ўтказилган республика мусобақасида ғолиб ҳам бўлганман.

Йўл қуриш савоб, дейишади ота-боболаримиз. Президентимиз эътибори туфайли амалга оширилаётган ушбу хайрли ишга ҳисса қўшиш мақсадида жаннатмакон гўшада меҳнат қиляпмиз. Айни кунларда тумандаги “Асфальт-бетон қурилиш” корхонаси ишчилари томонидан аэродромга кириш қисмидаги бино ва иншоотлар қурилиб, учиш-қўниш майдончаси белгиланган тартибда тайёрланмоқда.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида “Девайрон” МФЙда 2 та кўп қаватли уйлар қурилиши жадаллик билан давом этмоқда. Мазкур бинолар “Мирзоқурбон” МЧЖ ва “Сохтмончи моҳири Сўхзамин” фирмалари томонидан амалга ошириляпти. Янги, замонавий ва кўркам уйлар Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Туманда ёш авлодни соғломлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда “Истиқлол” МФЙ ҳудудида болаларни соғломлаштириш оромгоҳи қуриш режалаштирилган бўлиб, ушбу иншоотга 4,90 гектар ер майдони ажратилган. Лойиҳа қиймати 29 миллиард сўмни ташкил этадиган ушбу иншоотда қурилиш ишлари “Мирзоқурбон” МЧЖ зиммасига юклатилган. Шу тариқа туманда яна битта йирик иншоот қурилишига тамал тоши қўйилди.

Бундан ташқари, туман аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида яна бир иншоот – Чашма маҳалласини Тариқ қишлоғи билан боғлайдиган, салкам 2 миллиард сўм маблағ сарфланган кўприк битказилиб, фойдаланишга топширилди. Кўприк қурилишида салмоқли ҳисса қўшган “Қўқон йўл таъмирлаш” МЧЖ ишчиларига туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Тариқ маҳалласида бу йил йўлларни таъмирлаш ишлари олиб борилади, электр энергияси таъминоти билан боғлиқ муаммолар бартараф этилиши кўзда тутилган.

# Ҳамкорликка таянган ярмарка

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Навоий шаҳридаги “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш бирлашмасида вилоятда фаолият юритаётган йирик саноат корхоналари томонидан республика тармоқлараро кооперация ярмаркаси бўлиб ўтди.**

600 га яқин етакчи саноат корхоналаридан вакиллар, тадбиркорлар, шунингдек, 150 тага яқин корхона ўз маҳсулотлари билан иштирок этган мазкур кўргазма – металлургия, машинасозлик, энергетика, кимё саноати ва қурилиш материаллари соҳасида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш салоҳиятига эга маҳаллий корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш мақсадида ташкил этилди.

Икки кунлик тадбирнинг биринчи куни иштирокчилар вилоятдаги йирик саноат корхоналари – “Навоийазот” АЖ, “Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖ, “Навоий” эркин иқтисодий зонаси, “Gidro stanko servis” МЧЖ фаолияти, шунингдек, ҳудуднинг туризм салоҳияти билан яқиндан танишиб, Навбаҳор туманидаги “Сармишсой” туристик базаси, қадимий қоятош расмлари, Нуротадаги “Чашма” зиёратгоҳида ҳам бўлишди.

Тадбирнинг иккинчи куни ярмарка доирасида Навоий кон-металлургия комбинати, “Навоийазот” АЖ, “Навоий ИЭС” АЖ, “Қизилқумцемент” АЖ, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “Gidro stanko servis” МЧЖ сингари етакчи тармоқ корхоналари томонидан тақдимотлар ташкил этилди ва ҳамкорлик битимлари тузиш бўйича музокаралар олиб борилди.

Маълумки, Навоий кон-металлургия комбинати республикамизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, кооперация алоқалари бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Саноат ярмаркасида таъкидланганидек, 2020 йили корхонада 352,3 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилган, комбинат тармоқлараро кооперация доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан 3,5 триллион сўмлик маҳсулот харид қилинган. 2021 йилда эса 154 та лойиҳа бўйича 433 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш, саноат кооперация доирасида 3,8 триллион сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар харид қилиш кўзда тутилган.

Умуман, ярмарка доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан умумий қиймати 421 миллиард сўмлик саноат маҳсулотларини харид қилиш бўйича 1 минг 336 та шартнома тузилди. Шунингдек, тадбиркорлар ва буюртмачилар ўртасида 269 та ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

# Аспантай янги қиёфага киради

**Марат УЛПЕТОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бўзатов туманининг энг чекка ҳудудларидан бўлган “Аспантай” ОФЙда бугун иш қизғин. Халқнинг турмуш шароитини яхшилаш ва уларга қулайликлар яратиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Ҳудуддаги ички йўлларнинг ҳолатини яхшилаш ва қайта таъмирлаш мақсадида йўлларга шағал ва қум тўшалиб, текисланди. Ҳозирги пайтда Порлытау аҳоли пунктида 600 метр масофадаги йўлларни таъмирлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

“Аспантай” ОФЙ ҳудудида жойлашган умумтаълим мактабларида сув таъминотини яхшилаш бўйича олиб борилган ишлар ҳам диққатга сазовор. Чунончи, 11-сонли умумтаълим мактабига 30 метр чуқурликдаги ер ости сувини олиш учун қудуқ қазилиб, қуёш панеллари ўрнатилди. Натижада, ушбу қуёш панеллари орқали сув насослари ҳаракатга келтирилиб, электр энергиясини тежашга, сувдан эркин фойдаланишга асос яратилди.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№33 (484) 2021 йил 30 апрель

## БАРЧА ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” Давлат унитар корхонаси

### қуйидаги объектларга техник-иқтисодий асосини (ТИА) ишлаб чиқиш бўйича тендер эълон қилади!

| Т/р | Объект номи | Амалга ошириладиган ишнинг бошланғич нархи | Муддати | Лот рақами |
|---|---|---|---|---|
| 1. | 4Р40 “Даштобод ш. - Зомин қ. - Бахмал қ. - Ғаллаорол ш.” автомобиль йўлининг 130-182 км қисмини реконструкция қилиш” объекти бўйича Техник-иқтисодий асосини (ТИА) ишлаб чиқиш | 3 915 000 000 сўм ҚҚС билан | 150 кун | 7106206 |

**Буюртмачи:** “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Объектларга Техник-иқтисодий асосини (ТИА) ишлаб чиқиш бўйича **www.dxarid.uz** махсус ахборот порталида тендер эълон қилинган.

**Иштирокчилар тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси ҳисобланувчи Тошкент шаҳар қурилишда анлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари лозим:** Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-“а” уй.

**Тел.:** 71-244-07-65.

**E-mail:** tender_tash@bk.ru

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин. Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан (Абай кўчаси, 6-“а” уй, 703-хона) www.xarid.uzмахсус ахборот порталида кўрсатилган вақтга қадар қабул қилинади.

**Таклифларни очиш www.xarid.uzмахсус ахборот порталида эълон берилган санадан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади:** Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 68-уй.

## БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги “Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4268-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича Андижон вилояти, Балиқчи тумани, “Эски марказ” МФЙ, Наманганшоҳ кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган “Балиқчи агросервис ва интеграллашган сервис маркази” масъулияти чекланган жамиятининг устав жамғармасидаги 100 фоиз улушини сотиш бўйича**

## “Andijon mulk markazi” МЧЖ

### ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очиқ танлов савдосига “Андижон Агросервис МТП” МЧЖнинг 2021 йил 29 апрелдаги 01/04-50-сонли буюртманомасига асосан, “Балиқчи агросервис ва интеграллашган сервис маркази” масъулияти чекланган жамиятининг устав жамғармасидаги 100 фоиз улуши **бошланғич қиймати** – 5 858 401 376 (беш миллиард саккиз юз эллик саккиз миллион тўрт юз бир минг уч юз етмиш олти) сўмда қўйилмоқда.

.

**Танлов савдосининг асосий шартлари:**

1. Танловда республика резидентлари (якка тартибдаги ва юридик шахс сифатида фаолият юритувчи тадбиркорлар ва ишбилармонлар) ёки норезидентлари (чет эллик табдиркорлар ёки уларнинг вакиллари) иштироқ этишлари мумкин.

2. Танлов савдоларида иштирок этувчи талабгорлар улушнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини танловда эълон қилинган ҳисоб рақамига тушириши керак.

3. Танловда қатнашиш учун талабгорлар ёки унинг ваколатли вакили савдолар ташкилотчисига очиқ танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда шахсан ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– **юридик шахслар учун** – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

– **жисмоний шахслар учун** – паспортнинг нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда.

4. Танлов иштирокчиси ўз бизнес-режасида қуйидагиларни ёритиши зарур:

– машина-трактор паркининг асосий фаолияти (механизация ва сервис хизмати кўрсатиш) турини ўзгартирмасдан, узлуксиз самарали ишлашини таъминлаш;

– мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва кенгайтириш;

– машина-трактор паркининг мавжуд ишлаб чиқариш потенциалини модернизация қилиш, замонавий дастгоҳ (станок)лар ва ускуналар сотиб олиш ҳисобига сервис хизматлари турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, жами киритиладиган инвестиция бўйича таклиф;

– жамиятдаги бўш ер майдонлари, мавжуд бино ва иншоотларда тадбиркорликнинг бошқа фаолиятини йўлга қўйиш бўйича аниқ таклифлар, қўшимча инвестиция киритиш бўйича таклифлар, натижада барпо қилинадиган қўшимча иш ўринлари;

– улушнинг бошланғич бозор баҳосидан кам бўлмаган миқдорда энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф қилиш;

– сотиб олиш қийматини энг қисқа муддатда тўлаш бўйича таклифлар;

– машина-трактор парки ишчи-хизматчиларининг иш ҳақидан бўлган қарздорликни биринчи навбатда сўндириш бўйича таклифлар;

– иштирокчининг бошқа таклифлари ва уларнинг самарадорлиги.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорларнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2021 йил 2 июн куни соат 11.00 дан бошлаб “Андижон Агросервис МТП” МЧЖ маъмурий биносида бошланади. Таклифларни очиш вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган иштирокчилар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин. Танлов таклифларини қабул қилиш муддати 1 июнь куни соат 18.00 да тўхтатилади (таклифлар тушмаган тақдирда танлов савдолари 2021 йилнинг 17 июнь, 2, 20 июль, 4 август кунлари соат 11.00 дан бошлаб такроран ўтказилади. Такрорий савдоларга танлов таклифларини қабул қилиш бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади).

Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 30 банк иш кунидан кечиктирмай сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузилади.

**Талабгорлар улушнинг бошланғич нархи 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан закалат пулини (ариза буюртманома топширилгунга қадар) савдо ташкилотчиси “Andijon mulk markazi” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 3049 4115 6002 АТ “Савдогар” банки, МФО 00081, СТИР 302 126 734.

**Танлов савдолари ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича мурожаат учун манзил:** Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71-уй.

**Маълумотлар учун телефон:** 93-447-08-13.

**Савдоларга марҳамат!**

*00156 рақамли гувоҳнома.*

## “Respublika mulk markazi” МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**Аукцион савдога “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Шайхонтоҳур филиалининг 2021 йил 29 апрелдаги 984/01-02-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Янги Чиноз қўрғони, Ўзбекистон кўчаси, 57-уй манзилида сақланаётган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

1. 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 032 SHA бўлган, “КАМАЗ 54112А” русумли юк тортувчи автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 151 422 097,35 сўм.

2. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 6751 АА бўлган, “MAZ 9397” русумли бортли тиркама. **Бошланғич баҳоси** – 60 357 217,34 сўм.

**Аукцион савдо 2021 йил 1 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 28 май куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги асосий мулклар 2021 йил 1 июнь куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2021 йил 17 июнь ва 3 июль кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001, “Давр банк” ХАТБ Олмазор филиали, МФО 01121, СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

## “Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Сирдарё вилояти филиали

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Очиқ аукцион савдоларига “Asakabank” АЖ Сирдарё филиалининг 2021 йил 20 апрелдаги 27-01-сонли буюртманомаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўпламига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

1. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Баҳор маҳалласи, Тошкент кўчасида жойлашган **яшаш майдони** – 52,28 квадрат метр, **умумий фойдаланиш майдони** – 90,05 квадрат метр бўлган 2-уй, 7-хонадон қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 468 538 750 сўм.

2. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Баҳор маҳалласи, Тошкент кўчасида жойлашган **яшаш майдони** – 52,28 квадрат метр, **умумий фойдаланиш майдони** – 90,05 квадрат метр бўлган 2-уй, 31-хонадон қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 445 251 250 сўм.

**Савдо 2021 йил 31 май куни соат 12.00 дан бошлаб Гулистон шаҳри, “Бизнес маркази” биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 28 май куни соат 18.00.

Савдо ғолиби аукцион ўтказилган санадан бошлаб 20 (йигирма) кун ичида олди-сотди шартномасини тузиш ва сотувчи томонидан белгиланган шартлар асосида 20 (йигирма) кунлик муддат ичида 100 фоиз тўловни амалга ошириши лозим.

**Юқоридаги кўчмас мулклар 2021 йил 31 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил 15 ва 30 июнь кунлари соат 12.00 дан бошлаб бўлиб ўтади**.

**Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 15 июнь куни учун 2021 йил 14 июнь куни соат 18.00 гача, 2021 йил 30 июнь куни учун 2021 йил 29 июнь куни соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида олди-сотди шартномасини тузиш ва сотувчи томонидан белгиланган шартлар асосида 5 (беш) йилдан кўп бўлмаган муддатда тўлов графиги асосида тўловни амалга ошириши лозим. Мулклар зарардан, ёнғиндан ва табиий офатлардан сотиб олувчи ҳисобидан суғурта қилдирилади.

Кўчмас мулклар билан тегишли “Asakabank” АЖ Сирдарё филиали вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Тел.:** 67-225-28-83.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** “Asakabank” АЖ Сирдарё филиалидаги қуйидаги: 20 208 000 904 920 609 006, “Asakabank” АЖ Сирдарё филиали, МФО 00373, СТИР 207 122 519 ҳисоб рақамга тўлашлари шарт.

**Талабгорлар шунингдек, қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:**

– аукцион савдода қатнашиш учун ариза (буюртманома), закалат пули тўғрисидаги келишувнинг нусхаси ва закалат пули тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;

– **жисмоний шахслар** – фуқаролик паспорти нусхаси;

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтгани ҳақида гувоҳнома ва устав нусхаси;

– агар савдода ишончли вакил иштирок этса, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончноманинг асл нусхаси.

**Манзил:** Гулистон шаҳри, “Бизнес маркази” биноси, 3-қават, 77-хона.

**Тел.:** 67-226-38-91.

**Расмий сайт:** www.1kms.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001-сонли лицензия.*

## “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога “Asakabank” АЖ Нурафшон филиалининг 2021 йил 28 апрелдаги 4/958-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Саадий кўчаси, 41/1-уй манзилида жойлашган, нотурар бино-иншоот, **давлат рўйхатидан ўтказилган ер майдони** – 5078,0 квадрат метрдан иборат бўлган кўчмас мулк биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 10 575 214 388,27 сўм;

**Аукцион савдо 2021 йил 31 май куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.**

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 28 май куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги кўчмас мулк 2021 йил 31 май куни ўтказиладиган аукцион садоларда сотилмаган тақдирда, **такрорий савдо 2021 йил 15 июнь куни соат 11.00 дан** бошлаб ўтказилади. **Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 11 июнь куни соат 16.00 гача.

Аукцион савдо якунлари савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади.

**Аукцион савдода қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (йигирма) банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт:** 2260 4000 2053 3172 3001, “Давр банк” ХАТБ Амалиёт бошқармаси, МФО 01121, СТИР 308 112 732.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон/факс:** 71-237-23-86.

## АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

**“Prime Realty” МЧЖ** ҳамда **“Asakabank” АЖ Тошкент шаҳар филиали** билан ҳамкорликда 2021 йил 31 май куни соат 11.00 дан бошлаб мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Корходжаота кўчаси, 3-тор, 5-“А” уйда жойлашган, **умумий фойдаланиш майдони** – 63,71 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 86,53 квадрат метр, **яшаш майдони** – 50,33 квадрат метрдан иборат турар жой қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 792 821 753 сўм.

**Алоҳида шартлар:**

*1-босқич*

– Шартнома бўйича тўлов муддати 3 йилдан кўп бўлмаган муддатда тузилади;

– йиллик фоиз тўлови Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасига асосан ҳисобланади;

– закалат суммаси мулкнинг бошланғич баҳосидан 50 фоиз;

– аукцион ғолиби олди-сотди шартномаси имзолангандан сўнг 20 календарь кун ичида тўлаган бошланғич баҳосининг 50 фоиз закалат пулидан сотилиш баҳосининг 50 фоиз тафовутини тўлаш;

– аукцион ғолиби олди-сотди шартномасини имзолагандан сўнг 20 календарь кун ичида мулкни шикастланишидан суғурта шартномасини тузиши лозим.

*2-босқич*

– Шартнома бўйича тўлов муддати 7 йилдан кўп бўлмаган муддатда тузилади;

– йиллик фоиз тўлови Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасига асосан хисобланади;

– закалат суммаси мулкнинг бошланғич баҳосидан 15 фоиз;

– аукцион ғолиби олди-сотди шартномаси имзолангандан сўнг 20 календарь кун ичида тўлаган бошланғич баҳосининг 15 фоиз закалат пулидан сотилиш баҳосининг 15 фоиз тафовутини тўлаш;

– аукцион ғолиби олди-сотди шартномасини имзолагандан сўнг 20 календарь кун ичида мулкни шикастланишидан суғурта шартномасини тузиши лозим.

Мазкур мулк сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг жума кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади.

Аукцион савдо Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13-“А” уйда, савдо ташкилотчисининг савдолар залида ўтказилади.

Аукцион савдо ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши ва мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига мулк сотув нархининг 1 фоиз миқдорида комиссион йиғим тўланиши лозим.

Аукцион савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 11.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдодан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади.

**Аукцион савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчисининг АТБ “InFinBank”да ги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 7007 6599 0001 МФО 01041 СТИР 304 844 964.

**Шунингдек, аукцион савдода қатнашиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ҳар бир мулк учун қўшимча хизматлар кўрсатиш учун 1 000 000 (бир миллион) сўм миқдорида тўлов олинади.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Тел.:** (99) 858-01-12.

**E-mail:** info@primerealt.uz

**Веб-сайт:** www.primerealt.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR 0285- сонли лицензия.*

## Объявление

ИП ООО “LINYI INT’L INVESTMENT GROUP” сообщает об уменьшении уставного капитала.

**Претензии принимаются в течение 1 месяца со дня опубликования объявления по адресу:** г. Ташкент, Шайхантахурский р-н, ул. Навои, 18.

# Кўп қаватли уйларни бошқариш тизими такомиллашади





**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

– Опа, сиз ҳам журналистмисиз?

Ортимга ўгирилдим. Чамаси 7 ёшлардаги болакай велосипедига суянганича кулиб турибди.

– Ҳа, нимайди?

– Яхши бола бўлсак, телевизорда кўрсатар экансизлар.

– Исминг нима?

– Ҳожиакбар.

– Қаерда яшайсан?

– Шу, Юнусободнинг 13-мавзесидаги 2-уйда. Ўртоқларим билан доим шу ерда ўйнаймиз.

– Аввал қаерда ўйнардинглар?

– Ўзимизнинг майдончамиз йўқ пайти узоққа борардик, ойим дарров чақириб оларди. Ҳозир уйимиз олдида ҳамма нарса бор, ҳар куни тозалашади, қаранг, қандай чиройли...

Ҳали баҳор бўлса-да, кунлар ёз чилласидай иссиқ. Аммо пойтахтнинг Юнусобод тумани 13-14-мавзесига борган киши худди истироҳат боғига келиб қолгандай ҳис қилади ўзини. Бу ердаги уй-жойлар “Феникс Арт Сервис” бошқарув компаниясига қарашли. Ҳududдаги кўп қаватли уйларга кириш йўлаклари, фасад қисми, ён-атрофлари ободонлаштирилиб, болалар майдончалари, автотураргоҳлар барпо этилган. Уйлар атрофидаги яшил майдонда ўйнаётган болаларнинг қий-чувига атрофнинг манзараси уйғунлашиб, кишига кўтаринки кайфият бағишлайди.

Ҳожиакбарнинг мақтанганича бор. Бу манзарани кўрган журналист ва блогерлардан иборат ОАВ вакиллари ҳам Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан “Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги пресс-тур учун бежиз бу ер танланмаганига амин бўлишди.

Хабарингиз бор, Президентимиз жорий йил 26 апрель куни кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид тақдимот билан танишиб, соҳанинг бошқарув тизимини хорижий илғор тажрибани ўрганган ҳолда ислоҳ қилиш бўйича таклиф киритиш, уни амалга ошириш ҳамда ходимларни шу асосда ўқитишни яхлит бир тизимга олиб келиш бўйича топшириқ берган эди. Бу борада мавжуд муаммоларга ечим сифатида таклиф этилаётган янгиликлар билан кенг оммани хабардор қилиш мақсадида ташкил этилган пресс-турда Юнусобод тумани 13-, 14-мавзелаларидаги “Феникс Арт Сервис” бошқарув компанияси фаолияти таҳлил қилинди. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Шерзод Ҳидоятов соҳага таклиф этилаётган янгиликлар хусусида оммавий ахборот воситалари вакилларига маълумот берди.

Маълумки, коммунал соҳа бутун дунё мамлакатларида охирига етмаган муаммоли масалалардан ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам йиллар давомида ушбу соҳада қатор муаммолар йиғилиб келаётгани сир эмас. Кўп қаватли уйлар сони йилдан-йилга ошиб бораётгани, жорий йилда яна қурилиши режалаштирилаётгани соҳадаги юкламалар ортишини англатади. Масалан, 1991-2017 йилларда 2 минг 485 та кўп қаватли уй қурилган бўлса, охирги 3 йилда 3 минг 650 та барпо этилган. Демак тизимга янги ва замонавий тартибларни жорий қилиш вақти етди.

Пресс-турда қайд этилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда 37 минг 402 та кўп қаватли уй, уларда 1 миллион 300 мингдан ортиқ хонадон бор. Бу уйларнинг 68 фоизига ширкатлар, 24 фоизига бошқарув компаниялари хизмат кўрсатади, 8 фоиз уйлар эса мулкдорлар томонидан умуман бошқарилмайди. Ўтказилган таҳлиллар натижасида 4 430 та ширкатдан 1 351 тасининг молиявий ҳолати яхши, 1 903 тасиники ўрта ва 1 176 тасиники оғир ҳолатда экани аниқланган. Мазкур муаммолар ечимини топиш мақсадида профессионал бошқарув компанияларини ташкил этиш, уларга преференциялар бериш, фаолиятини ривожлантириш ва замон талабига мослаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Яъни, уй-жой ширкатларига қарашли кўп қаватли уйларни хусусий бошқарув компаниялари балансига ўтказиш эвазига аҳолига қулайлик яратиш, сифатли хизмат кўрсатиш мақсадлари кўзда тутилмоқда.

– Ширкатлар нима иш қилишини биламиз, бошқарув компаниясининг вазифаси нималардан иборат?

Журналистнинг бу саволига Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Шерзод Ҳидоятов шундай жавоб берди:

– Бошқарув компанияси ҳар бир уйга алоҳида ҳисоб рақами очади ва тушган маблағлар фақат шу кўп қаватли уй-жой учун сарфланади. Бундан ташқари, бошқарув компанияси турли сервис хизматларини ҳам тақдим этиши кўзда тутилган. Жумладан, қўриқлаш хизмати, видеокузатув, маиший чиқиндиларни саралаш каби юмушлар аҳоли хоҳишига қараб амалга оширилади. Компания томонидан маълум ҳудуд танлаб олиниб, мавжуд барча уй, боғча, мактаб ёки корхона ҳамда ташкилотлар учун индивидуал хизмат кўрсатилади. Барча муассасалар учун алоҳида шартнома тузилади. Ана шу ҳудуддаги барча коммуникация тармоқлари компания тизимида бўлади. Бошқарув компаниялари фаолиятининг йўлга қўйилиши, энг аввало, аҳоли розилигига эришиш, улар учун қулайлик яратишга хизмат қилади. Агар уларнинг фаолияти тизимли йўлга қўйилса, уй-жой коммунал соҳасида ҳар томонлама ўзгаришлар бўлади. Бунинг учун бошқарув компаниялари ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш лозим. Тақдимотда Президентимиз томонидан ўқитиш ишларини бошқарув компанияларининг ўзи ташкиллаштириши таклифи айтилди. Шунда ходимларнинг амалиёт билан биргаликда билим ва кўникма олиши осонроқ бўлади.

Ўрганишларда аниқланишича, тўловлар бўйича тарифларнинг норентабеллиги, ҳисоб-китобларнинг шаффоф эмаслиги, муҳандислик-коммуникация тармоқларининг эскиргани муаммоларга сабаб бўлмоқда. Кўп ширкатлар ўз вазифасини бажармайди, бунинг учун уларда кадрлар етарли эмас. Оқибатда хонадон эгаларининг ширкат ва бошқарув компанияларига ишончи йўқолган. Бадалларнинг тўлиқ йиғилмаслиги туфайли дебиторлик қарзлар ошиб кетган. Кўп қаватли уйларда яшайдиган аксарият аҳолида шу уйга, умумий мулкка дахлдорлик ҳисси йўқ. Айнан шундан келиб чиққан ҳолда аҳоли томонидан ноқонуний қурилмалар қурилиб, атрофни эгаллаб олиш ҳолатлари кўпаймоқда.

Қайд этилган муаммоларга муносиб ечим топиш ва соҳани ислоҳ қилиш мақсадида чет давлатлардан консультантлар чақирилди. Туркияда айнан уй-жойлар бошқаруви бўйича қонунчиликни ишлаб чиқишда қатнашган консультантлар ҳамда 1 миллионта хонадонни бошқарадиган компания вакиллари ҳам мамлакатимизга ташриф буюрди. Улар орасида рақамлаштирилган тарзда бошқарадиган компания вакиллари ҳам бор. Хорижлик консультантлар Тошкент шаҳридаги Юнусобод, Чилонзор туманлари, Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳри, Янгийўл тумани ҳамда Фарғона шаҳридаги мавжуд кўп қаватли уйлар билан танишиб, вазиятни таҳлил қилишди. Ҳудуддаги аввал қурилган эски уйларни бориб ўрганган ҳолда, ўз фикрларини билдиришди.



Жаҳон тажрибасини ўрганадиган бўлсак, дунёда кўп қаватли уйлар жуда ҳам тартибли бўлиб, унинг ёнида ҳеч ким ортиқча қурилиш қилмайди. Чунки уларда таъсирчан чоралар ишлайди. Нима учун 1-қаватда яшаган одам атрофни ўраб олиши натижасида бошқалар у жойда болаларини ўйнатолмаслиги керак? Ҳовли ҳамманики. Мақсадимиз, кўп қаватли уйларда яшайдиган одамлар дахлдорлик ҳиссини сезса, иншоотнинг томи, олди қисми, ертўласи, атрофи умумий мулк эканини теранроқ англаса. Буни амалга ошириш учун аҳоли билан бошқарув компаниялари ўртасидаги муносабатларни яхшилаш керак. Бу борада бир қанча таклифлар ишлаб чиқилди.

Хусусан, кўп квартирали турар жой фондини таъмирлаш жамғармасини ташкил этиш, уни 35 фоиз республика бюджети, 35 фоизи маҳаллий бюджет ва қолган 30 фоизини мулкдорлар тўловидан жамғариладиган маблағлар ҳисобидан шакллантириш режалаштирилган.

Ҳисоб-китобларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида бошқарув ташкилотлари ва ширкатларнинг электрон реестрини юритиш, ҳар бир кўп қаватли уйга алоҳида шахсий ҳисоб рақам очиш, уйнинг хизмат кўрсатиш ҳудудини аниқ белгилаш, мулкдорларга ҳисобот бериш тартибини такомиллаштириш, ҳисоб-китобларга биллинг тизимини жорий қилиш мўлжалланган.

Шунингдек, янги кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилганидан кейин икки йил мобайнида қурувчи ташкилот бошқарувида бўлишини белгилаш, турар жойларни сақлаш ва ундан техник фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш ҳам талаб этиляпти. Бошқарув компаниялари ва ширкатлар ходимларини ўқитиш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳам назарда тутилмоқда.

Коммуникация тармоқларини янгилаш бўйича қатор чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Бошқарув компанияларини фақатгина Тошкент шаҳрида эмас, балки республиканинг барча вилоятларида амалга оширишни эксперимент тарзда кўриб чиқиш бўйича ҳам таклиф ишлаб чиқилди.

Қолаверса, фарзандларимизда кўп қаватли уйларда яшаш маданиятини шакллантириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда мактабларда тарғибот ишлари олиб борилади.

Пресс-турда бошқарув компаниялари уюшмаси ва компания вакиллари ҳам иштирок этишди. Уларнинг фикри билан қизиқдик.

– Янги тизим бўйича аҳолида кўплаб саволлар туғиляпти, – деди бошқарув компаниялари уюшмаси ижрочи директори Раҳима Ортиқова. – Масалан, “Ширкатлар ўз-ўзидан ёпилиб кетаверадими?”, “Бошқарув компаниялари фаолияти тижоратга ўхшаб қолмайдими?”, “Ширкат билан бошқарув ташкилотининг фарқи нима?” деган саволларни беришмоқда. Ширкат – нодавлат, нотижорат ташкилот бўлиб, жамоа сифатида иш юритади. Бунда хонадон мулкдорлари 51 фоиз улуш билан умумий мулкни бошқариш учун битта ташкилот тузиб, унинг ҳисоб рақамида пулини йиғади ва уйини тасарруф этади, таъмирлайди. Бу шу пайтгача амал қилиб келинган тизим. Бошқарув ташкилотининг афзаллиги нимада? Бу ташкилот ўз таркибига профессионал ходимларни жамлайди. Бундай ходимлар жойларда СанПиН нормалари ва шаҳарсозлик қоидаларига амал қилган ҳолда хизмат кўрсата олади. Мана шу жиҳати билан улар ишни ташкиллаштиради. Эндиликда профессионал бошқарув ташкилотлари билан хонадон мулкдорлари бевосита шартнома тузган ҳолда ишлаши мумкин. Ёки ҳамон ширкат бошқарувида бўлса, умумий мажлис ўтказилиб, бошқарув ташкилоти ўз таклифларини тақдимот тарзда кўрсатади. Аҳолининг ўзи хоҳишига кўра, биттасини танлайди.

Ширкатдан воз кечиб, бошқарув компанияси хизматидан фойдаланиб келаётган аҳоли қандай фикрда?

– Ширкатдан “Феникс Арт Сервис” бошқарув компаниясига ўтганимизга икки йил бўлди, – дейди Юнусобод тумани, 13-мавзедаги 1-уйда яшовчи Шоҳиста Зияева. – Ўзгаришлар катта. Аввалгидек, қиш-баҳорда томдан чакка ўтишлар йўқ, свет, газимиз яхши. Илгари лифтга ҳам алоҳида пул йиғиларди. Компания тасарруфига ўтганимиздан кейин унга ҳам пул тўламай қўйдик. Маҳалламиз кўчалари, йўлаклар, уйлар ҳовлиси тоза-озода, қўни-қўшни хурсанд, ҳаётидан рози. Йиғилган пулимиз фақат ўзимизга, ўзимиз яшаб турган уйга ишлатилади. Авваллари пулга одам чақириб супуртирган бўлсак, энди компания ишчилари кунора келиб, атрофни тозалаб кетишади.

Демак, янгиланиш, ўзгариш, ривожланиш даври келди. Барча соҳадаги ислоҳотлар каби коммунал тизимдаги янгиликлар ҳам тез орада ўз натижасини кўрсатади.



# Инновацион ривожланиш – бош йўналиш

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Чуст тумани Маданият марказида “Ҳудудларни инновацион ривожлантириш бўйича Чуст тажрибаси, ҳудудий илмий-инновацион салоҳият, эришилган натижалар ва истиқболли режалар таҳлили” мавзусидаги ҳудудий форум бўлиб ўтди.**

Унинг иштирокчилари олис ҳудудлардаги аҳолига инновацияларни етказиб бериш, одамлар ҳаётига олимлар яратган инновацияларни олиб кириш орқали оғирини енгил қилиш, янги иш ўринлари яратиш, ёшларнинг замонавий ва илғор технологияларга қизиқишини оширишга жалб қилиш масалалари бўйича фикр юритилди.

Шу ўринда мазкур лойиҳани амалга оширишга Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 7,1 млрд сўм маблағ ажратилганини қайд этиш лозим. Ҳудудий олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар янги ишланмаларни тижоратлаштиришга тайёрлашлари учун 4,7 миллиард сўм маблағ молиялаштирилди. “Инновацион тупроқ клиникаси” мобиль лабораториясини ташкил этиш учун 884 миллион сўм маблағ сарфланди. Чуст шаҳрини бепул Wi-Fi (интернет) билан таъминлашга 500 миллион сўм йўналтирилади. Йирик ижтимоий лойиҳалар орасида янги ташкил этиладиган онкологик касалликларни скрининг қилиш инновацион марказини (907 млн сўм) ва олис қишлоқлардаги 10 та мактабда интернетсиз ишлайдиган инновацион кутубхона (150 млн сўм)ни тилга олиш мумкин.

Форумда қатнашган Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдураҳмонов ўз сўзида қуйидагиларни таъкидлади:

– Бугунги кунда инновацияларга эҳтиёж ҳар жабҳада сезилмоқда, уларга қизиқиш тобора ортиб боряпти. Инновацияларнинг инсон ҳаётига кириб бориши ва илм-фан ютуқларини кундалик ҳаётида ҳис қилишини таъминлаш янги авлодни шакллантиришда ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ўта муҳимдир. Инновацияларни жорий этиш билан шуғулланарканмиз, унинг ҳуқуқий асоси яратилганлигини таъкидлаш даркор. Сўнгги йилларда республикамизни инновацион ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари олға сурган ташаббусни биринчилар қатори Чустда амалга оширишга қарор қилингани бежиз эмас. Туман ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тез ўсиб бораётган салоҳиятга эга. Ҳозиргача Инновацион ривожланиш вазирлиги маҳаллий ҳокимлик билан ҳамкорликда уни инновацион ҳудудга айлантириш бўйича таклифлар ва уларни амалга ошириш юзасидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Туман иқтисодиётида аграр соҳа алоҳида ўрин тутади. Мазкур тармоқда ҳам инновациялар кенг жорий этилиши даркор. Шунда камроқ вақт, маблағ, табиий ресурслар сарфлаб, кўпроқ ва сифатли маҳсулот етиштириш мумкин. Чустда Президентимизнинг “ҳар бир ёшга бир гектар” лойиҳаси доирасида эрта баҳорда 2 135 нафар ёшларга 20 сотихдан ер ажратилган. Навқирон авлод вакиллари орасида танлов ўтказилиб, инновацион ғояга эга бўлган 200 нафари ажратиб олинди. Уларнинг ҳар бирига ташаббусларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида 10 млн сўмгача маблағ берилди.

– Кейинги даврда бир қатор инновацион корхоналар ташкил этилди, – дейди Чуст тумани ҳокими Бекзод Ҳамдамов. – “Chust textile” МЧЖ улардан бири. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижда ҳам харидоргир. Шундай натижаларга эришишда инновациялар ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Геномика ва биоинформатика маркази билан ҳамкорликда туманда биотехнологик усулда юқори ҳосилдор ва эртапишар “Порлоқ-1” ва “Порлоқ-4” ғўза навлари яратилди. Келгуси йили у тўрт минг гектар ерга экилади.

Форум доирасида соҳага оид 30 га яқин инновацион лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди. Айниқса, Наманган муҳандислик-қурилиш институтида ишлаб чиқилган тажриба-конструкторлик ишланмаларини тижоратлаштиришга тайёрлаш бўйича лойиҳалар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

# Етти пир: Хожа Ориф Ревгарий (Моҳитобон)










**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Хожа Ориф Ревгарий – хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси ва назариётчиларидан бири.**

Тасаввуфга доир тарихий манбаларда тўлиқ шаклда Хожа Ориф Ревгарий Моҳитобон тарзида учрайди. Баъзи манбаларга кўра, у 1165 йили Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги Ревгар қишлоғида туғилиб, 1259 йили шу ерда вафот этган ва шу ерда дафн қилинган. Шунинг учун Ревгарий нисбасига эга. Манбаларда келтирилишича, Ориф Ревгарий ўрта бўйли, ой юзли, катта кўзли, ингичка қошлари ҳилол каби киши бўлиб, баданидан хушбўй ҳид таралиб турган. Шунинг учун уни Моҳитобон ҳам дейишган. Моҳитобон – порлаб турган ой деган маънони англатади. Халқ орасида унинг 100 ёшдан ошгани ҳақида гап юради. Қабри Бухородаги етти муқаддас зиёратгоҳдан бири ҳисобланиб, мажмуа тарзида ўралган. Мақбара мажмуаси мустақиллик йилларида таъмирланиб, унинг яқинида янги масжид бунёд этилди. Маҳаллий аҳоли ўртасида Хожа Ориф, ҳатто, ҳозиргача ҳам Шофирконнинг иккинчи, яъни норасмий номи ҳисобланади.

Ориф Ревгарий – Бухородаги етти нақшбандий пирнинг иккинчиси. Унинг пири – Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳисобланади. Навоийнинг далолат беришича, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг уч халифаси (ўринбосари) бўлиб, Ориф Ревгарий шулардан бири эди. У кўп йиллар давомида Абдулхолиқ Ғиждувоний хизматида бўлган. Устозидан кейин тариқатга раҳнамолик қилиш Ориф Ревгарийга ўтган.

> **“Одамни саодатга яқинлаштирувчи хислатлар: нафсини ўзига бўйсундириш, покизалик, ҳамма вақт Аллоҳни зикр этиш ва бандалик аҳду паймонига жидду жаҳд айлаб, саъй-ҳаракат қилишдир”.**
>
> **Хожа Ориф Ревгарийнинг “Орифнома” китобидан.**

Тасаввуф аҳли орасида “Қутб ул-авлиё” (Валийлар йўлбошчиси) унвони билан ҳам довруғ қозонган Ревгарий тасаввуфнинг ўзак жиҳатлари ва назарий масалалари борасида баҳс юритган “Орифнома” рисоласи муаллифидир. Рисолада аввалги турмуш тарзида йўл қўйган хато ва камчиликлардан такрорламасликка аҳд айлаб, келажакда гуноҳ ишларни қилмасликка азму қарор бериши, шу тариқа тасаввуф йўлига кириши масаласига алоҳида диққат-эътибор қаратилган. Муаллиф тасаввуфий тавбани: “Ислом динининг туғи”, деб таърифлаган.

Ориф Ревгарий Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг суннатларига диққат билан амал қилиб, хожагон тариқати ғояларини кенг тарғиб этган. Кўплаб шогирдлар тарбиялаган. Шайхлик рутбасини муриди Хожа Маҳмуд Анжирфағнавийга топширган.

Мўъмин-мусулмон киши дунё деб охиратни, охират деб дунёни тарк этмаслиги керак. Шунинг учун ҳам Моҳитобон ҳазратлари хожагон тариқатига кирган толибларга ва умуман тасаввуф йўлига ўзларини бағишлаган сулук аҳлига мурожаат қилиб, тасаввуфий таълимотдаги узлатнинг мақсад ва моҳиятини англатади. Кўпчилик дунёдан кечиш деганда ушбу ҳаётдан бутунлай воз кечиш, ўзини мутлақо нариги дунёга бағишлаш, деб тушунади. Хожа Ориф ҳазратлари Ҳақ толибларини дунёдан юз ўгиришнинг асл маъносини тўғри англашга ундаб, дунёга алданиб қолмасликни, қалбдан дунё муҳаббатининг жой олиши эмас, балки Аллоҳ муҳаббатининг жой олиши муҳим, деб айтган. Толибларни дунё ҳою ҳавасларига берилмасликка, нафси аммородан воз кечиб, нафсни ислоҳ қилиб, оилавий ва дунёвий ташвишларни ҳам ўз ўрнига қўйган ҳолда, Аллоҳ ёди ва ишқида бардавом ҳамда собит ориф бўлишни тушунтириб берган.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги ҳамда 2020 йили Бухоро шаҳрининг Ислом олами маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан Хожа Ориф Ревгарий Моҳитобон ёдгорлик мажмуасида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари бажарилди. Эски масжид музейга айлантирилиб, янгиси қад ростлади. Мажмуада ободончилик ишлари амалга оширилиб, зиёрат туризми учун қулай шароитлар яратилди.

Янги лойиҳалар

# 792 ўринли “Замонавий мактаб” лойиҳаси

**Лойиҳачи:** “Asilbek power project” МЧЖ.
**Лойиҳа бош меъмори:** М.Искандаров.
**Қурилиш объекти бўлинмалари:** мактаб биноси 6 блокдан иборат.

**1-блок**. 4 қаватли, тўртбурчак шаклда, ўлчами 15х27 метр. Қаватнинг баландлиги 3,3 метр. 1-блокда ўғил ва қиз болалар меҳнати устахонаси, директор, врач ва психолог хонаси, ўқитувчилар хонаси, синф хоналари, ўқувчи ва ўқитувчилар ҳожатхоналари мавжуд.

**2-блок**. Ўлчами 9х12 метр, қаватнинг баландлиги 3,3 метр. 2-блокда вестибюль, рекриация холл, логопед хонаси ва архивга ўрин берилади.

**3-блок**. Ўлчами 15х27 метр, қаватнинг баландлиги 3,3 метр. 3-блокда кутубхона китоб сақлаш хонаси билан, “STEAM” лаборатория, информатика хоналари, синфхоналар, ўқувчи ва ўқитувчилар ҳожатхонаси мавжуд.

**4-блок.** Ўлчами 4х3 метр, қаватнинг баландлиги 3,3 метр. Бу блокда ўтиш галереяси жойлашади.

**5-блок**. 2 қаватли, тўртбурчак шаклда, ўлчами 12х18метр, 1-қават 3,6 метрни ташкил қилади. 2-қават 3,7 метр, 5-блокда ошхона овқатланиш зали билан, 2-қаватда фаоллар зали жойлашади.

**6-блок**. 2 қаватли, тўртбурчак шаклда, ўлчами 18Х24 метрдан иборат. 1-қават 3, 6, 2-қават эса 3,7 метр. Спортзал баландлиги 7,4 метрдан иборат. Ушбу блокда спорт зал, 1-қаватда спорт залнинг ёрдамчи хоналари, 2-қаватда фаоллар залининг ёрдамчи хоналари жойлашган.

**Қурилиш бўйича умумий маълумот:** бино пойдеворлари монолит темир-бетон В20, девори ФБС йиғма пойдевор блокдан. Устун (колонна)лари монолит темир-бетон В25. Ташқи деворлар 200 мм қалинликдаги газобетон блоклардан. Оратўсиқ (перегородка)лар 100 мм, ҳар иккала томондан 2 қаватли гипсокартондан, ҳожатхоналарда 120 мм ғиштдан. Том ёпмалари (ўқув биносида) йиғма темир-бетон думалоқ ғовакли плиталар Н220 мм. Зиналар темир-бетон, поллар керамик плита, цементли қоплама, “Релин” ва спорт линолеуми, деразалар пластик (кўп камерали профиль), стеклопакет, эшиклар МДФ, темир эшик, альюмин профилларидан.







**Ташқи пардоз**: цоколь, зина ва тўсиқлар цемент-қумлик сувоқ, “Кўксарой” грантлари билан қопланади. Деворлар 50 мм қалинликдаги минерал толали иссиқ сақловчи қопламали сувоқ, подоконниклар рухланган туника билан қопланиши кўзда тутилган. Тягалар металл конструкциялар каркасига альюмин копозит панели билан қопланган бўлади.

**Ички пардоз:** деворлар яхшиланган сувоқ, сувли эмульсияли бўёқлар, керамик плиткалар, эмаль бўёқда пардозланади. Шифтлар гипсокартон плиталар билан қопланиб, яхшиланган сувоқ, сувли эмульсияли бўёқларда бўялади.

**Умумий майдон** – 4720,2 $м^2$.
**Фойдали майдон** – 2497,1 $м^2$.
**Қурилиш майдон** – 2278,5 $м^2$.
**Қурилиш ҳажми** – 24651,0 $м^2$.

Мактаб электр токини қабул қилиш ишончлилик даражасига кўра II тоифага мансуб. Ўрнатилган қуввати 194,25 кВт. Ҳисобланган қуввати 174,83 кВт. Мактаб электр таъминоти 380/220Вли паст кучланишли иккита кириш кабелидан таъминланади. Кириш мосламаси қилиб электр шитига ўрнатилган ВРУ 1 панель қабул қилинган. Лойиҳада 220В кучланишли ишчи ва фавқулодда ҳолат (эвакуационное) ҳамда 36 Втли таъмирлаш ёритгичлари кўзда тутилган. Ёнғин сигнализацияси бинонинг 1-қаватида вахтер олдида полдан 1,3 м баландликда жойлашади ва “Гранд магистр-24” приборидан амалга оширилади. “Гранд магистр-24” прибори 220В кучланишли ўзгарувчан ток манбаидан қувватланади.

**Ўз мухбиримиз.**

## Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

Апрель ойининг охирги кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган



Андижон вилояти, Андижон шаҳар қурилиш бўлими бош мутахассиси **Рустам Иминов,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош инспектори **Улуғбек Ўринбаев,**

Бухоро вилояти қурилиш бошқармаси Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича бош мутахассиси **Илҳом Хақназаров,** етакчи мутахассис **Мироншоҳ Орипов,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси комплеанси **Равшан Акобиров,**

Жиззах вилояти қурилиш бош бошқармаси раҳбар котибаси **Мафтуна Зиёдуллаева,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси **Боймирза Бухаров,**

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Навоий вилояти филиали Смета бўлими бош мутахассиси **Дилафруз Батирова,**

Наманган шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи **Илхом Исомиддинов,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси қоровули **Камолидин Нишанов,**

Самарқанд вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси **Камол Кубаев,**

Сирдарё вилояти Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази бўлим бошлиғи **Нуритдин Урунов,**

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Тошкент вилояти филиали мутахассиси **Феруза Агзамова,**

Тошкент шаҳар Қурилишда танлов савдоларни ташкил этиш консалтинг маркази бошлиғи **Улуғбек Пармонов,**

Хоразм вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош мутахассиси **Равшанбек Нурматов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз-барака, мустаҳкам соғлик тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори»**
**Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-443.
2649 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – Р. Хўжаева.
ЎзА якуни – 00.35. Топширилди – 01.15. 1 2 3 4 5 6